

Биринчи Ақаба байъати



15:02 / 12.05.2020 2943

Нубувватнинг 12-йили зулҳижжа ойи, ҳаж мавсумида ваъдалашилган жойга ясрибликлардан ўн икки киши келишди.

Уларнинг беш нафари бир йил олдин Маккага келиб мусулмон бўлган эди. Улар ўшанда олти киши бўлиб, бу сафар Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу келмаганлар.

Бошқа етти нафар янги мусулмонлар: Муоз ибн Ҳорис, Заквон ибн Абдулқайс, Убода ибн Сомит, Язид ибн Саълаба, Аббос ибн Убода, Абул Ҳайсам ибн Тайҳон ва Увайм ибн Соид розияллоҳу анҳум.

Улар Ақабада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашишди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан байъат олдилар. Ўша байъатнинг иштирокчиси Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу бу ҳақда

қуйидагиларни айтадилар:

«Ўн икки киши эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: «Келинглари! Менга Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирмаслигингиз, ўғрилиқ, зино қилмаслигингиз, болаларингизни ўлдирмаслигингиз, зинодан орттирган ҳомилангизни турмуш ўртоғингизга тўнкамаслик, менга маъруф ишда исён қилмаслигингиз ҳақида байъат қилинглари. Сиздан ким бунга вафо қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасида. Ким ундан бирор нарсани бузиб, бу дунёда жазосини олса, ўша унинг учун каффоратдир. Ким ундан бирор нарсани бузса-ю, Аллоҳ уни сатр қилса, унинг иши Аллоҳга ҳаволадир. Хоҳласа, иқоб қилади, хоҳласа, афв этади», дедилар».

Мазкур мусулмонлар ўз юртларига қайтаётганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуни қўшиб, у кишига одамларга Қуръон ўқитиш, Исломдан таълим бериш ва дин аҳкомларини ўргатишни топширдилар.

Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ва ясриблиқ мусулмонлар аҳолини Исломга даъват қилишда жонбозлик кўрсатдилар. Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тавсиялари бўйича иш олиб борар, одамларга Қуръон ўқитиш, Исломдан таълим бериш ва дин аҳкомларини ўргатишни ажойиб услуб билан йўлга қўяр эдилар. Гоҳида баъзи одамлар у кишининг олдларига қурол кўтариб келишарди. Аммо Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг чиройли муомалалари, қироатлари ва Ислом ҳақидаги сўзларидан кейин кўнгли эриб, мусулмон бўлиб, у киши нима топшириқ берса, ўшани сўзсиз бажарадиган бўлиб кетар эди.

Ислом Ясриб бўйлаб мисли кўрилмаган тезликда тарқалиб борарди. У ердаги бош қабилалар – Авс ва Хазражнинг кўплаб одамлари, жумладан, Саъд ибн Муоз ва Усайд ибн Ҳузайр каби ўз қавмининг улуғлари ҳам Исломга кирдилар. Авс қабиласи, Бану Абдулашҳал уруғининг ҳаммаси битта ҳам қолмай мусулмон бўлдилар.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан